

Рўзадор чўмилиши мумкинми?

16:00 / 24.04.2016 20485

Шайх ҳазратлари, сизга қуйидагича саволим бор эди: рўзадор киши рўза пайтида ювиниб, чўмилса ёки ғул қилиши шарт бўлиб қолса, рўзаси бузиладими? Агар рўзаси бузилса, Рамазон ойдан кейин тутиб берадими ёки яна қўшимча фарз қилинган амаллар борми? Бундай уятли саволим учун узр сўрайман, лекин жавобингизни интизорлик билан кутаман.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Рўзадор одам сувга кўмилиб чўмилса, рўзаси очилади. Бу ҳукми билмай чўмилиб қўйган одам кейин бир кун қазо рўза тутиб беради.

Рўзадор одам тушида булғаниб жунуб бўлиб қолса, рўзаси бузилмайди, устидан сув қуйиб ғул қилиб олиши мумкин. Фақат, оғиз ва бурунни ювишда ичкарига сув кетадиган даражада қаттиқ чайилмайди. Валлоҳу аълам.